



“Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмади”

Ҳар бир миллатнинг юксалиши — тарихи, қадриятлари ва халоскор фарзандларини эъзозлаши билан белгиланади. Мамлакатимизда ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланиши ана шу улуғ анъананинг ёрқин намунасидир.

Бу йил ҳам ушбу сана муносабати билан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ташаббусига кўра бир қатор маънавий-маърифий учрашувлар ташкил этилди. Улар орасида Фарғона вилоятида бўлиб ўтган тадбир алоҳида аҳамиятга эга.

Партия Сийёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова ва Фарғона вилояти кенгаши раиси Шаҳноза Ғаниева бошчилигидаги партия фаоллари Фарғона туманидаги “Саноат” МФИда истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийси Орибжон ҳожи ота Мўминов хонадонига бўлиб, отахонни Хо-

тира ва қадрлаш куни билан табрик-ладилар.

— “Адолат” партиясининг бош ғояси — жамиятда инсон қадрини юксалтириш, фуқароларнинг ҳаёт сифати ва адолатли ижтимоий муносабатлар тизимини таъминлашдир. Уруш фахрийларини қадрлаш, меҳнатсевар фидойиларни ёдга олиш ва ёш авлодни ана шундай шахслар намунасида тарбиялаш — партиянинг амалий вазифаларидан биридир, — деди партия етакчиси самимий мулоқотда. — Орибжон

ота бутун ҳаётини Ватан ҳимоясига, меҳнатга, жамият ривожига бағишлаган. Бугун партия ана шундай фидойиларни эъзозлаш орқали ўз ғояларини халқ қалбига синғирмоқда.

Фронтта 18 ёшида кетган Орибжон ота Белоруссия, Украина, Чехословакия ва Польша жангларида иштирок этган, Берлинга бориб, сўнг Япония урушида ҳам қатнашган. Урушдан сўнг Ватанга қайтиб, Водил қишлоғида 40 йиллик фидокорона меҳнати билан танилган.

Орибжон ота “Жасорат” медали билан тақдирланган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан 2021 йилда учрашиб, суҳбат қургани ва бирга суратга тушгани — отанинг юртдаги обрўсининг яна бир ифодасидир.

Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан тақдим этилган аккумуляторли аравада Орибжон ота набираси ҳамроҳлигида маҳалласини айланиб юради. Отахон кўпинча ҳазиломуз тарзда: “Танк миниб жанг қилган одам учун бу аравани бошқариш нима бўпти?” дейди.

15 нафар фарзанд тарбиялаган намунавий оила бошлиғи сифатида, отахон ўғил-қизларини ҳам меҳнатсевар ва ҳалол инсонлар қилиб вояга етказган. У кишининг ҳаёти, оилавий тарбияси, маҳалла фаолиятидаги иштироки — ҳаммаси юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига қаратилган. Орибжон ҳожи ота каби инсонлар барчамиз учун ибрат ва жасорат тилсолидир.

Фарғона вилоят кенгаши
матбуот хизмати

МУАММО бор экан, ЕЧИМ ҳам бор

Ишчи гуруҳ неонтология бўлимидаги мавжуд инфратузилма, тиббий жиҳозлар, кадрлар салоҳияти ва шошилиш ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳолатини кўздан кечирди. Бўлим бошлиғи Нигора Собирова ҳамда шифокорлар билан мулоқот чоғида ретинопатия, яъни чақалоқларда кўз нури пардасининг етилиш жараёнидаги хасталик

бўйича мавжуд муаммолар алоҳида қайд этилди. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, ушбу касалликни эрта аниқлаш ва даволаш учун муассасада офтальмоскоп, ретиналь камера, кўз УЗИси учун В-скан, шунингдек, лазер коагулятор каби муҳим тиббий ускуналар мавжуд эмас.



...ўша мақолада Наманган вилоят Давлатобод туман тиббиёт бирлашмасининг марказий шифохонаси ҳудудида ҳам табиий ҳолда қуриган дарахтлар борлиги ва уларни кесиб, ўрнига янги ниҳоллар экиб, парваришлаш муҳим экани ҳам эслатиб ўтилганди. Зеро, қуриган дарахт халқ тили билан айтганда, “хосиятсиз”лик белгиси ҳисобланади. Чунки у бир кунмас бир кун зарар етказиши муқаррар...

Афсуски, орадан беш ой ўтгач, баҳор теvarак-атрофни яшилликка буркаган пайтда мазкур шифохонага келиб, гуркираб турган дарахтлар орасида ҳамон ўша қуриб, қовжираб қолган “ўлик” дарахтлар ҳам қад ростлаб турганига кўзимиз тушиб қолди.



КУРИГАН ДАРАХТЛАР КУЛАГУНЧА КУТАМИЗМИ?



МУЛЬТФИЛЬМ КИМНИКИ БЎЛСА, БОЛА ҲАМ ЎШАНИКИ!

Кичкинтойингиз қаҳрамонини танийсизми?

Агар замона зайли билан ҳатто кичик ёшдаги болаларга-да телефон тутқазиб, қизиқарли мультфильм қўйиб бериб овутишга тўғри келяпти, деб даъво қилинса, айтиш мумкинки, ўша қизиқарли воқеаларга қоришиқ ғоявий-мафкуравий пропаганда унсурлари ҳам бўлади. Масалан, менлик ҳиссининг ҳаддан ташқари ортиқлиги, ҳиссий инқироз ва шу кабилар. Бу, ўз навбатида, миллий маданият илдизига болта уриб, ихтилофий куч тарафдорларининг сафини кенгайтиришга хизмат қилади. Шунинг учун катталар болаларининг нима кўраётганига ва нимани қандай англаётганига диққатли бўлиши шарт.



ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

30 апрель бутун халқимиз учун катта байрам, тарихий кун. Зеро, 2023 йилнинг айнан шу куни мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ референдумида янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Ўдда қоладиган томони шу бўлдики, давлатчилигимиз тарихида янги тахрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши илк марта бевоcита халқимизнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлди.

Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
партия фракцияси раҳбари

Шу куни халқимиз ўзининг юксак сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқарашини намоён этиб, ақил равишда янги тахрирдаги Конституцияни қўллаб овоз берди.

Чин дилдан эътироф этайлик, янгиланган Конституциямизни қабул қилиш билан мамлакатимизда Учинчи Ренессанс учун ҳуқуқий пойдевор яратилди, ана шу буюк мақсад сари катта қадам ташланди. Янги тахрирдаги Конституция билан Ўзбекистонда янгича ижтимоий-сиёсий муҳит шаклланди, давлат ўзига улкан ижтимоий-иқтисодий мажбуриятларни олди, мамлакат ўзини ижтимоий давлат сифатида эълон қилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмлари амалиётга татбиқ этилди. Давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг самарали янги модели жорий қилинди.

Инсон манфаатлари — олий қадрият. Инсон қадрини юксалтириш — энг устувор вазифа. Бу сўзлар шиор эмас, балки Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган, кундалик ҳаётимизда намоён бўлаётган ҳақиқатлардир.

Эътиборли томони, юртимизда инсон қадрини улуғлаш конституциямизда ўз аксини топган мақсадга, давлат сиёсати, жамиятнинг юксалиш мезони ва ҳаёт фалсафасига айланган. Бунчи ҳис қилган ватандошларимиз ҳар бир фуқаро учун ғамхўрлик қилинадиган, очик ва адолатли жамият қуриш ғояси атрофида бирилаган.

Тўғри, янги тахрирдаги Конституция қабул қилинганга ҳали унчалик кўп вақт бўлмади. Бироқ Асосий қонунимизнинг моҳияти, инсонпарварлиги руҳияти ҳаётимизда тобора ёрқинроқ акс этмоқда.

Янги тахрирдаги Конституция — амалиётга татбиқ этилган кенг қўламли дастуриламал ҳужжатга айланмоқда. Асосий Қонунимиз меъёрларини ҳаётга татбиқ этишда Президентимизнинг 2023 йил 8 майдаги “Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони катта аҳамият касб этди.

Фармонда белгиланганидек, янги тахрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилади.

Мазкур фармон асосида Асосий қонунимизни амалга ошириш бўйича Давлат комиссияси ташкил этилди, 5 та экспертлик кенгашлари тузилди. Олий Мажлис палаталари томонидан 38 банддан иборат Конституция моҳиятини тушунтириш бўйича комплекс дастур қабул қилинди. Асосий қонунимиз 377 минг нусхада (ўзбек, қорақалпоқ,

рус ва инглиз тилларида) чоп этилиб, 99 та вазирлик ва идоралар, уларнинг тизим ва ҳудудий ташкилотларига тарқатилди. “Янги Ўзбекистон Конституцияси” ягона миллий портали “konstitutsiya.gov.uz” ва унинг мобил иловаси ишга туширилди.

Олий Мажлис томонидан 100 га яқин қонунларни янги тахрирдаги Конституцияга мувофиқлаштириш бўйича дастур тасдиқланди. Судлар томонидан конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри ва бир хилда қўллаш бўйича Олий суд Пленуми қарори қабул қилинди.

Утган даврда миллий қонунчилик базасини ташкил этувчи 30 мингдан ортиқ қонун ва қонун-ости ҳужжатлари тўлиқ хатловдан ўтказилди. Ҳуқуқий таъсир чораларини мутаносиблик принципига мослаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши кўзда тутилди.

Ўзбекистоннинг демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни ривожлантириш концепциялари лойиҳалари тайёрланди. Принципиал аҳамиятга эга 50 га яқин муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Парламентнинг демократик қиёфаси тубдан ўзгарди. Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари кенгайди. Парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари, қонунчилик тақлифларини илгари суриш тартиби, қонунларни қабул қилиш жараёни такомиллашди. Сиёсий партия фракциялари раҳбарларининг мақоми ошди. Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари корпусини шакллантиришнинг янги тартиби ишлаб чиқилди.

Бу ҳақда сўз борганда, биринчи навбатда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” номли китобини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки давлатимиз раҳбари ушбу салмоқли сиёсий асарида халқимизнинг хоҳиш-иродасига биноан Асосий Қонунимизда ўз аксини топган тамойилларни тўлиқ рўёбга чиқариш ва уларни ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантириш бўйича амалга ошириладиган қатор асосий чора-тадбирлар ҳақида батафсил тўхталган.

Халқимизнинг хоҳиш-иродасига биноан янгиланган Конституциямизда ўз аксини топган ҳаётий тамойилларни тўлиқ рўёбга чиқариш ва ҳа-

Энг муҳими, қабул қилинганлигининг икки йиллиги нишонланаётган янгиланган Асосий Қонунимизнинг конституциявий нормалари жамиятимиз ва давлатимиз, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизда яшайдиган ҳар бир инсон ҳаётида амал қилмоқда. Бу эса, жамиятимиз эришган энг катта ютуқлардан бири ҳисобланади.



Муносабат

Сўнгги йилларда Ўзбекистон – Туркия муносабатлари икки ва кўп томонлама ҳамкорлик шаклида сезиларли даражада ривожланиб бормоқда.

Бу жараёнда маданий ва диний ришталари, анъаналар ва маънавий қадриятлари яқин бўлган Ўзбекистон ва Туркия парламентлари ўртасидаги алоқалар ҳам мунтазам тараққий этаётгани қувонарли ҳол, албатта.



Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
партия фракцияси аъзоси

Ўзбекистон – Туркия: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси бошчилигидаги парламент делегациясининг Туркияга ташрифи ҳам ривожланиб бораётган ўзаро алоқаларнинг мантиқий давоми бўлди.

Туркия Республикаси Буюк Миллат мажлиси Раиси Нуман Куртулмуш Парламентлараро иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясининг Тошкентда юқори савияда ташкил этилганлиги, бу тадбир Ўзбекистонда парламентаризмни ривожлантириш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш бўйича олий борилаётган ислохотларнинг халқаро миқёсдаги эътирофи эканини қайд этди.

Нуман Куртулмуш икки мамлакат Президентлари – Ш.Мирзиёев ва Р.Эрдоғоннинг қатъий сиёсий иродаси туфайли давлатлараро муносабатлар кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиқилганини алоҳида таъкидлади. Бу эса икки қардош халқларнинг фаровонлигини янада оширишга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Икки мамлакат Президентлари ўртасидаги келишувларнинг ижроси доирасида Туркиянинг Диярбакир вилояти, Силван тумани яқинида Жалололдин Мангуберди дафн этилган жойда мақбара қуриш, Туркияда ўзбек тилидаги мактабни таъсис этиш бўйича яқуний келишувга эришилгани бугунги кунда икки давлат ўртасида таълим, илм-фан, туризм ва маданият соҳаларида ҳамкорлик учун чексиз имкониятлар мавжудлигининг амалий исботи бўлди.

Делегациянинг Туркияга ташрифи доирасида олий даражада эришилган келишувлар ижросида тизимли парламент назоратини кучайтириш масаласи муҳокама қилинган.

Учрашувда Туркия Республикаси Буюк Миллат мажлиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамкорлик баённомаси имзоланди. Бу эса, шубҳасиз, икки давлат парламентларининг ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқади.

Қолаверса, ҳамкорликни тизимлаштириш ва натижадорликни ошириш мақсадида амалда мавжуд “дўстлик гуруҳлари” мақоми “комиссия” даражасига кўтариш, унинг дастлабки йиғилишини Тошкент шаҳрида ўтказиш, 2025-2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик бўйича “Ҳаракатлар режасини” (“Йўл харитаси”) ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олинди.

Сафар давомида Туркия Оила ва ижтимоий хизматлар вазири Маҳинур Гўкташ билан учрашув ташкил этилди. Унда вазир икки давлат етакчиларининг оила қадриятлари, хотин-қизлар, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимоя масалаларида қарашлари ҳамоҳанг эканини алоҳида таъкидлади.

М.Гўкташ 2024 йил май ойида Самарқандда ўтказилган Осиё хотин-қизлар форумида иштироки давомида олган ижобий таассуротларини билдириб, **“Самарқанд форуми ва жорий йилнинг 5-9 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро иттифоқнинг 150-ассамблеяси доирасида Парламент аёл аъзолари форумининг 39-сессиясининг ташкил этилиши оила, хотин-қизлар масалалари Ўзбекистон томонидан халқаро даражада фаол илгари сурилаётганини кўрсатади”**, деди.

Шунингдек, учрашувда Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида масъул вазирлик, идораларни жалб қилган ҳолда, 2026 йилда Ўзбекистон ва Туркия ишбилармон аёллар бизнес-форумини ўтказишга келишиб олинди.

Учрашувларда томонлар икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро мулоқотини янада тараққий эттиришдан манфаатдор эканликлари қайд этилди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон бугун нафақат Туркия, балки дунёнинг бошқа давлатлари билан ҳам Вакиллик дипломатиясини амалга ошириш, долзарб масалаларни халқлар ва давлатларнинг умумий манфаатлари асосида тизимли ҳал этишда қатъий позициясини намоён этмоқда.

“Адолатчилар” туман сессиясида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳисобот беришди

Халқ депутатлари Наманган туман Кенгаши VIII сессиясида “Адолат” СДП Наманган туман кенгаши раиси Абдуғаффор Отахоновнинг коррупцияга қарши курашиш ойлги доирасида амалга оширилган ишлар натижалари юзасидан ҳисоботи тингланди.

Бунда коррупцияга қарши курашиш масаласида бугунги давлат сиёсати, партиянинг мазкур йўналишдаги фаолияти, хусусан, ортда қолаётган апрель ойида ўтказилган “Коррупцияга қарши курашиш ойлги”нинг амалдаги аҳамиятига алоҳида урғу берилди.

Абдуғаффор Отахонов сессияда иштирок этганларнинг диққатини бу соҳадаги илк натижаларга ва ўтказилган тадбирларга қаратиб, “туман кенгаши — депутатлик гуруҳи — ҳамкор ташкилотлар” механизми асосида турли соҳаларда коррупцияга қарши тарғибот ишлари изчилликда олиб борилганини қайд этди.

Жумладан, тумандаги маҳаллалар, мактабгача ва мактаб таълими муассасалари, тиббиёт масканларида босқичма-босқич ташкил этилган тадбирлар ва маърифий дастурлар орқали ёшлар ва аҳоли орасида коррупцияга қарши муросасиз кайфиятни шакллантириш, унинг салбий таъсирларини аниқлаш ва қарши курашиш учун кенг қўлланиладиган усуллар халқчил, жонли мисоллар ёрдамида тушунтирилди.

Сессия қатнашчилари мунозаралар давомида коррупцияга қарши курашиш ва профилактик тадбирларни давом эттириш масалаларини муҳокама қилишди.

Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

Фракция йиғилиши



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида депутатлар болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институциявий ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Янги тахрирдаги Конституцияда ҳам боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг

якши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти эканлиги белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш, уларни жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиш, жиноят процессида гувоҳ сифатида жалб этишнинг аниқ механизмларини белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикаси-

нинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига болаларга нисбатан жинсий зўравонлик қилганлик, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб, уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексига вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг бир кун мобайнидаги умумий давомийлигини ва уларни сўроқ қилиш жараёнида қонуний вакилларнинг иштирок этиши тартибини белгилувчи қўшимча ва ўзгартаришлар киритилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзоси Бехзод Тўхтамуродов қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган қа-

тор тақлифлар эътиборга олингани ва ҳужжат матнида акс этганлигини алоҳида таъкидлади.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 118-моддасига киритилаётган айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Мутасаддилар қўтарилган масалалар юзасидан батафсил тушунтиришлар бериб ўтди.

Уларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жиноятларнинг олдини олиш, содир этиладиган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Қизгин савол-жавоблардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

МУАММО бор экан, ЕЧИМ ҳам бор

Конун ижодкорлиги жараёнини халқ эҳтиёжларига янада яқинлаштириш, жойлардаги долзарб муаммоларни бевосита манзилида ўрганиб, уларга амалий ечим топиш бугунги кунда депутатлар олдида турган устувор вазифалардан бирidir. Айниқса, Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзолари бу жараёнда фаол иштирок этишмоқда. Худудларда амалга оширилаётган ислохотлар, қурилиш ва инфратузилма лойиҳаларини ўрганиш баробарида, аҳоли билан очиқ мuloқотлар ўтказилиб, турли йўналишларда келиб тушаётган мурожаатлар асосида мавжуд муаммолар таҳлил қилиняпти, тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда уларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда. Ўтган ҳафта давомида ҳам ижтимоий аҳамиятга молик масалалар ечимига масъул идоралар эътиборини қаратиш, тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари йўллаш, ечим таклифлари ишлаб чиқиш жараёни изчил давом этди.



ХОРАЗМ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Тоҳир Полвонов, Максуд Қурбонбоев, “Адолат” СДП Сийсий Кенгаши раиси ўринбосари Ислон Ҳамроев ҳамда партиянинг **Хоразм вилоят кенгаши раиси Содикқон Содиков**лар вилоятдаги тиббиёт муассасалари фаолиятини ўрганиш ишлари доирасида республика ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилояти филиалида бўлишди.

Ишчи гуруҳ неонтология бўлимидаги мавжуд инфратузилма, тиббий жихозлар, кадрлар салоҳияти ва шошилиш ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳолатини кўздан кечирди. Бўлим бошлиғи Нигора Собирова ҳамда шифокорлар билан мулоқот чоғида ретинопатия, яъни чақалоқларда кўз нури пардасининг етилиш жараёнидаги хасталик бўйича мавжуд муаммолар алоҳида қайд этилди. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, ушбу касаллиқни эрта аниқлаш ва даволаш учун муассасада офтальмоскоп, ретиналь камера, кўз УЗИси учун В-скан, шунингдек, лазер коагулятор каби муҳим тиббий ускуналар мавжуд эмас. Малякали мутахассислар бўлишига қарамай, зарур жихозларсиз юзлаб чақалоқларнинг соғлом ҳаётга қайтиши қийинлашмоқда.

Ишчи гуруҳ мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур тиббий воситалар билан таъминлаш масаласини кўтарди ва бу юзасидан амалий чоралар кўрилиши белгиланди. Мулоқотлар давомида ретинопатия касаллигига олиб келаётган омиллар — қориндошлар аёлларидаги никохлар, ҳомилдор ўртасидаги камқонлик ҳолатлари, экологик сабаблар ва бошқа салбий таъсирлар ҳам муҳокама қилинди. Мавжуд вазиятни бартараф этиш учун факат тиббий эмас, балки кенг қамровли

профилактик ишлар ҳам зарурлиги таъкидланди.

ФАРҒОНА. Апрель ойининг сўнги ҳафтасида **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари Манзура Салимова ва Зиёдбек Юнусов** Фарғона вилоятида ўрганиш тадбирларини олиб борди. Хусусан, Манзура Салимова Кўштепа туманидаги 33-мактабда бўлиб, таълим жараёни, инфратузилма ва мавжуд муаммоларни ўрганди. 6-сонли мактабга таълим муассасасида эса болалар учун яратилган шароитлар, тарбия сифати ва ечимини кутаётган масалаларни кўриб чиқди.

Зиёдбек Юнусов республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиалида “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” доирасида ўтказилган “Бўлажак кадрларни “ҳалоллик вакцинаси” билан

кўрсатилаётган хизматлар сифати, дори-дармон таъминоти, сақлаш шароитлари ва улардан беморлар фойдаланиши ҳолати тўлиқ ўрганилди. Фарғона жамоат саломатлиги институтидаги навбатдаги тарғибот тадбирида ҳам Зиёдбек Юнусов маъруза қилиб, талабалар ва педагоглар билан очиқ мулоқот уюштирди.

Депутатларимиз Фарғона ва Марғилон шаҳарларидаги тиббиёт муассасаларида тиббий хизматлар сифати ва дори-дармон таъминоти юзасидан ўрганиш ишларини олиб бордилар. Аниқланган камчиликлар юзасидан мутасаддиларга тавсиялар берилди ва депутатлик назорати ўрнатилди. Шу билан бирга, депутатлар худудларда фуқаролар ва тадбиркорлар билан учрашиб, уларни ўйлантираётган масалаларни ўргандилар ва тегишли идоралар билан ҳамкорликда уларни ҳал этиш чораларини белгилдилар.



эмлаш — давр талаби” мавзусидаги тарғибот тадбирида иштирок этди. Шундан сўнг партиянинг вилоят кенгаши ва тиббиёт маркази масъуллари билан биргаликда марказда

НАМАНҒАН. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Исмоилов партиянинг вилоят кенгаши раис ўринбосари Ёрқиной Ҳожиматова, Янги Наманган

туман кенгаши депутати Адҳамжон Ҳамраев билан ҳамкорликда 23-26 апрель кунлари Янги Наманган туманида бўлди.

Дастлаб, депутат UBS олий таълим муассасасида профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар билан учрашди. Сўхбат давомида ёшлар фаол иштирок этиб, уларни қийнаётган долзарб муаммоларни очиқ баён этди. Жумладан, Ахсикент йўналиши бўйича жамоат транспорти қатнови йўлга қўйилмагани талабалар учун жиддий қийинчилик туғдираётгани айтилди. Депутат мазкур масалани туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси орқали ўрганиб чиқиш ва амалий ечим топишни ўз зиммасига олди.

Навбатдаги манзил — туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 13-оилавий поликлиникада ўтказилган учрашувда фуқаролар муассасадagi таъмирталаб бино, тиббий хизмат кўрсатиш шароитлари ва мавжуд инфратузилма ҳолати яхши эмаслигини билдирди. Ушбу масала юзасидан туман тиббиёт бирлашмаси



бошлиғи Б. Маъмуров ва туман қурилиш бўлими раҳбари Б. Жураева депутатлик назорати тарзида топшириқ берилди.

ЖИЗЗАХ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шухрат Якубов Зарбдор туманида қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ҳамда тез тиббий ёрдам хизматлари аҳолини ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича назорат-таҳлил тадбирларини ўтказди. Даставвал депутат туман тиббиёт бирлашмасига қарашли терапия, туғуруқ ҳамда тез тиббий ёрдам бўлимлари фаолияти билан танишар экан, уларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати, моддий-техник база, кадрлар билан таъминланиш ҳолатини таҳлил қилди.

Шухрат Якубов туман кўп тармоқли марказий поликлиникасидаги тиббий жихозлар, хусусан, УЗИ ҳамда рентген аппаратларининг эскиргани ва техник талабларга жавоб бермаслиги фуқароларнинг тўлиқ тиббий кўрикдан ўтиш имкониятини чеклаётгани ҳақида ҳам маълумот олди. Бу эса навбатларда узоқ кутиш, қўшимча харажатлар ва баъзи ҳолларда тиббий хизматлардан бутунлай фойдалана олмамлиқка сабаб бўляпти.

Ўрганишлар давомида туман тиббиёт тизимда кадрлар етишмаслиги жиддий муаммо сифатида қайд этилди. Аниқланишича, тумандаги тиббиёт муассасаларида жами 281 та штат бирлиги мавжуд бўлиб, 113 нафар тиббиёт ходими иш фаолиятини амалга оширмоқда. Ажабланарлиси, уларнинг 41 нафари пенсия ёшидаги мутахассислар ҳисобланади. Бу эса, амалий жиҳатдан 168 нафарга яқин тиббиёт ходими етишмаётганини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, депутат томонидан халқ депутатлари Жиззах вилояти ҳамда туман Кенгаши депутатлари билан ҳамкорликда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва туман тиббиёт бирлашмаси номига депутатлик сўровлари юборилди.

СИРДАРЁ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Жонибекова Ховос туманидаги “Тинчлик” маҳалласида бўлиб, “маҳалла еттилиги” фаолиятини ўрганиди. Учрашувда депутат маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли, фуқароларнинг турмуш тарзи, уларга яратилаётган шарт-шароит-



лар билан танишди. Асосий эътибор “маҳалла еттилиги” томонидан олиб борилаётган ишлар, фуқароларни иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, миграциядан қайтган фуқароларнинг жамиятга мослашуви ва бандлигини таъминлаш масалаларига қаратилди.

Шунингдек, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киририлган фуқаролар билан индивидуал тарзда иш олиб бориш, уларнинг муаммоларини ҳал этишдаги амалий ёндашувлар ва эришилган натижалар юзасидан таҳлил ва муҳокама-лар ўтказилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун қандай чора-тадбирлар кўрилаётгани депутат назоратида бўлди.

Ўрганиш доирасида Нодира Жонибекова Ховос туман ҳокими Улуғбек Йўлдошев ҳамда унинг ўринбосар-

СУРХОНДАРЁ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зухриддин Мавлонов вилоятнинг Музработ туманида бўлиб, соҳалар кесимида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш юзасидан белгиланган вазифаларнинг ижросини ўрганиш мақсадида депутатлик назоратини амалга оширди. Даставвал депутат туман Халқ қабулхонасида фуқаролар томонидан билдирилган мурожаатлар, суюлтирилган газ таъминоти, тиббиёт тизимидан ютук ва камчиликлар, электр таъминотидаги муаммолар, таълим муассасаларида кузатилаётган нуқсонлар юзасидан жойлардаги ҳолат билан танишди.

Шунингдек, З.Мавлонов мурожаатларнинг маҳаллалар кесимида таҳлили учун “Меҳнатобод”, “Янгиер” ва “Нурли ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, аҳоли билан бевосита мулоқот қилди. Айниқса, мазкур маҳаллалар аҳолиси фойдаланиб келаётган ва туман марказини боғловчи кўприкнинг ҳолати жиддий эътибор талаб этди. 1960 йилда қурилган ушбу кўприк ҳозирги кунда бутунлай яроқсиз ҳолга келиб, авария хавфини юзага келтирмоқда. Депутат кўприкни капитал таъмирлаш заруратини таъкидлаб, уни қайта таъмирлашни амалга ошириш бўйича Дастурга киритиш юзасидан масъул ташкилотларга депутатлик сўрови юборишини маълум қилди.

Шундан сўнг тумандаги “Шаффоф” маҳалласида 2019 йилда қурилиши бошланган, бироқ ҳеч қандай асоссиз тўхтаб қолган “Маданият саройи” биноси ҳолати билан танишди. 100 минг аҳолига хизмат қилиши мўлжалланган ушбу иншоот тақдирини бўйича тегишли вазирликлардан ҳисоб-китоб ва молиялаштириш механизмлари юзасидан аниқ маълумот олиш мақсадида депутатлик сўрови юборилади деган бўлди.

ҚАШҚАДАРЁ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Эркин Ҳайитов Чирокчи туманидаги бир қатор ижтимоий масканларда ўрганиш ишларини амалга оширди. Хусусан, тумандаги 102-сонли умумтаълим мактабида ўтказилган ўрганишлар давомида таълим муассасаси 180 ўринга мўлжаллангани, аммо тиббиёт хонасидаги дори-дармон захираси талабларга жавоб бер-

САМАРҚАНД. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Елена Компольшиқнинг навбатдаги ўрганиш жараёни Самарқанд шаҳар “Қорасув” массивида жойлаш-



ган “Baby city” хусусий болалар боғчасида бўлди. Муассасага ташриф чоғида депутат боғчанинг моддий-техник базаси, таълим-тарбия жараёни, тарбияланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Замонавий ўқув дастурлари ва тажрибали педагог кадрлар билан таъминланган ушбу муассасада болалар учун хавфсиз, эркин ва рағбатлантирувчи муҳит яратилгани эътироф этилди. Депутат болалар билан самимий сўхбатлашиб, уларнинг қизиқишларини ўрганди.

Елена Компольшиқ хусусий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш, улар орқали таълим соҳасида рақобатни кучайтириш ва сифатни ошириш муҳимлигини таъкидлади. Давлат ва жамоатчилик ҳамкорлигида ижтимоий хизматлар соҳасини янада ривожлантириш борасидаги ташаббуслар партиянинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилангани қайд этилди.

маслиги ойдинлашди.

Шунингдек, ўқитувчилар учун мўлжалланган хона синфхонага айлантирилган 9-синф фойдаларида моддий таъминот муаммолари борлиги, таълим сифати талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Чирокчи туман тиббиёт бирлашмасидаги вазият ҳам эътибордан четда қолмади. Бирлашма худудида “Ҳамидов Фирдавс асн” ва “Вохидхон” МЧЖга тегишли дорихоналар ҳамда савдо дўконлари ноқонуний равишда қурилиб, фаолият юритаётгани, шу билан бирга терапия, неврология, кардиология ва эндокринология бўлимлари битта корпусда жойлашгани, 37 ўринли шифохонанинг туман аҳолиси учун етарли эмаслиги маълум бўлди.


Ўрганиш натижалари юзасидан тегишли давлат идораларига депутатлик сўровлари йўлланиб, уларнинг ижроси бўйича депутатлик назорати ўрнатилди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати





Пауло КОЭЛО



МУЛЬТФИЛЬМ КИМНИКИ БЎЛСА, БОЛА ҲАМ ЎШАНИКИ!

Кучкин то'inguz қаҳрамонини манийсизми?

Боланинг ўзига хос дунёси бор. У ҳали ёлгон ва ростни фарқлай олмайди, кўрганига ишонади. Шу сабабли болалар учун яратилган контент – у ҳоҳ мультфильм бўлсин, эртақ ёки ўйин – ёш авлоднинг онгини шакллантирадиган катта куч, бирламчи манба ҳисобланади. Тадқиқотларга кўра, бола беш ёшига қадар қабул қиладиган ахборот кейинги ҳаётидаги билим ва тажрибаларнинг 80 фоизини ташкил қилар экан. Демак, дилбандларимизнинг кичиклигида қандай муҳитда ўсиши, қайси манбалардан билим олиши ёки қай турдаги ахборотга мурожаат қилиши келгуси тақдирини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ҳўш, бу жараёнда мультфильмларнинг ўрни қандай? Миллатимиз болалари бугунги мультпликацион контент орқали қайси қадриятларни ўзлаштирмоқда? Айни пайтда улар севиб томоша қиладиган мультфильмлар нималар ҳақида? Қаҳрамонлари ақлли, меҳрибон, жасур ва адолатпарварми ёки аксинча – ҳаётга енгил қараш, бепарволик, зўравонлиқни тарғиб қиладими? Бундан етарлича хабардоримизми?

ЎЙЛАЙМИЗ, ФИКРЛАЙМИЗ...

Бундан 5-10 йил илгари ўсмирлар тарбиясига компьютер ўйинлари салбий таъсир ўтказмоқда, деган фикр ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали кўп бора таъкидланган, жамоатчилик бунинг реал хавфи ҳақида ҳақли равишда бонг урганди. Ҳақиқатан ҳам, ўша пайтлари ўйин маркетплейсларида зўравонлик, куч ишлатар тизим ёрдамида ғалаба қозонишга ундовчи контент бемаза қовун уруғи сингари кўпайиб кетган. Орадан вақтлар ўтиб, бу ташвишли ҳолат сабабчилари “ёшарди”, аспект ҳам ўзгарди. Сўнгича, боғчадаги гуруҳдошларига ҳукмини ўтказадиган, муштумзўрлик қиладиган кичкинтойлар сафи кенгаймоқда. Одоб-ахлоқ бир четда турсин, ота-онасини сенлайдиган, қудра-беҳуда инжиқлик қиладиган болажонлар сизга ҳам танишми? Бундай ҳунук ҳолатларга сабаб нимада, деб ўйлайсиз? Ҳа, тўғри топдингиз, айнан мультфильмлар, болалар медиа маҳсулотларида!

Умуман олганда, болалар учун мўлжалланган ҳар бир анимацион фильм ёки сериал муайян ғояни сингдиради. Уларни шартли равишда уч тоифага ажратиш мумкин:

1. **МАЪРИФИЙ ВА ТАРБИЯВИЙ МУЛЬТФИЛЬМЛАР** – болада меҳрибонлик, дўстлик ва адолат туйғуларини шакллантиради. Кўпинча миллий ва классик мультфильмлар ушбу тоифага қиради. Масалан, “Маугли”, “Доктор Айболит”, “Супер китоб” каби мультфильмлар.

2. **БЕТАРАФ, КЎНГИЛОЧАР МУЛЬТФИЛЬМЛАР** – умумий мазмунда салбий ғоялар бўлмаса-да, тарбиявий жиҳатдан ғоятда заиф. Боланинг тасаввур оламини бойитишга ёрдам беради, бироқ унга аниқ ижтимоий тушунчаларни бермайди. Масалан, “Том ва Жерри”.

3. **ЗЎРАВОНЛИК ВА ЕНГИЛҚАРАШЛИКНИ ТАРГИБ ҚИЛУВЧИ МУЛЬТФИЛЬМЛАР** – бола онгда бепарволик ва дунёга енгил муносабат уйғотди. Катта ёшдаги аудитория учун мўлжалланган бўлса-да, болалар томонидан ҳам кўп қўрилади. Масалан, “Гриффинлар”, “Рик ва Морти”.

Бугунги кунда нафақат телеэкранлар орқали балки ижтимоий тармоқлар, видеохостинг платформаларида миллиардлаб кўришлар йиғайтган мультфильмлар, медиа контент маҳсулотлари жаҳоннинг турли бурчакларида ишлаб чиқарилаётгани, турли мафкура ва маданий кўринишларни ўзида мужассамлаштиратгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳусусан, “Disney”, “Pixar”, “DreamWorks”, “Nickelodeon” каби мультсаноат гигантлари кўрраи заминда яшаётган ёш авлод онгини шакллантирмоқда, маҳсулотлари ёрдамида муайян ғояларни тарқатмоқда.

КЎЗГА ЁҚИМЛИ, ОНГГА ХАТАРЛИ

Тан олиш лозимки, бугунги мультфильмлар ёш авлоднинг катта қисмини телефон ёки телевизор пултига узоқ вақт ҳукмронлик қилишига, кўзларини экранга “михлаб”, онгини ранг-баранг анимация оламига “боглаб” қўйишга

қодир. Аксига олиб, ёш ота-оналар, баъзида катта ёшлар ҳам “ўзи билан ўзи чалғиб ўтиради, тинчйиди, овунди” деган нотўғри фикрда мультфильмларни тарбиявий восита эмас, балки овунч си-фатида қабул қилмоқда. Шундан бўлса керак, ҳозирги ёш авлод мультпликацион контент билан шу қадар дўстлашиб кетганки, бу ҳолат ХХІ аср болалигининг ажралмас дўстига айланди.

– Ёш болалар онгда вуҷудга кел-лаётган беҳаёлик, муҳокамасиз ин-жиқлик ва эмоционал нотенглик – бу-ларнинг барчаси тасодиғий эмас, – дейди психолог-консультант **Элёр Олимов**. – Замонавий мультфильм-лар кўп ҳолларда боланинг иродаси, ахлоқий позицияси ва ҳаётто, мил-лий идентификациясига таъовуз қилмоқда. Агар илгари мультфильм-ларда ота-онага ҳурмат, яхши кўш-ничилик, меҳр-оқибатчилик асосий эркинлик, индивидуализм, “менинг ҳаққим” каби ғоялар бош мақсадга айланди. Масалан, “Cosmeton” тар-моғида ўз вақтида бир жинслилик тарғиб қилинди. Икки эркак “фар-занди”га ўғил ёки қиз бўлишини ўзи танлаши мумкинлигини ўқтиришди. Жирканч манзара. Ҳўш, бугун фар-занди қўлига бамайлихотир телефон тутқазиб қўйган ота-оналар фарзан-дининг бу каби вадоларни кўрмага-нига кафолат бера оладими?!

– Илгари мультфильмларда оила-вий қадриятлар биринчи ўринда эди, ҳозир эса индивидуализм ва шахсий эркинликка урғу берилмоқда, – дейди **жамоатчилик фаоли Санжарбек Абдулҳаев**. – Классик қаҳрамонлар – оталар, оналар, оила бирлигини ҳи-мо-я қилувчи персонажлар камайиб бормоқда.

– Яқинда “Marvel Studios” томони-дан эълон қилинган “Sabra” анима-цияси қўллаб бахсларга сабаб бўлди, – дейди педагог **Меҳрангиз Ғани-ева**. – Бу мультфильмда Исроил мах-сус хизматлари билан боғлиқ қаҳра-мон Sabra орқали Исроил позиция-сига қадриятларни тарғиб қилмоқда, Фал-ластин эса аксинча. Аслида бола-лар онга геноцидни оқлаш ғоясини сингдириш инсонпарварлик тамойил-ларида зид ҳаракат, яъни болалар онгда “агар бир халқ йўқ қилинса ҳам бу нормал ҳолат” деган ҳулоса шаклланиши нафақат ёш авлод учун, балки инсониятнинг келажаги учун ҳам улкан хавфли тенденция ҳисоб-ланади.

ОТА-ОНАЛАР ДАРДИ: ТАКЛИФ КЎП ҲОЛДА ТУШУ- НАРСИЗ ЁКИ ЗЕРИКАРЛИ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бо-лалар контентлари ва медиа маҳсулот-ларини бериб борадиган асосий тармоқ “Болажон” ва “Ақлвой” телеканаллари ҳисобланади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам давлат ташаббуси билан йўлга қўйил-ган. Лекин бир “...аммоси” бор. “Бола-жон” телеканалда нисбатан филтрлан-ган чет эл мультфильмлари ҳамда мил-лий анимациялар намойиш этилса-да, аксарияти эски, тақрор. “Ақлвой” эса маълум маънода болаларга ахлоқий-эстетик тарбия беришга фаол ҳаракат қилмоқда, лекин ҳали тўлиқ миллий брендга айлана олгани йўқ.

АЗИЗА, 41 ёш: – Фарзандларим умуман телеви-зор кўришга қизиқмайди. Уларни маж-бурлаб ўтказсанг, узоғи билан 20–30 дақиқадан кейин ўрнидан туриб ке-тади. Бу мультфильмларда инсо-нийлик борми ўзи? Баланд товушлар, оғир сюжетлар, бемаъни курашлар – ҳаммаси руҳий босим ўтказишга бо-лаа. Илгарили содда, маълум та-саввур уйғота оладиган қаҳрамонлар қаёққа кетди?

ОЛИМ, 32 ёш: – Қизим ойда бир-икки мартагина ўзи ёқтирган эски мультфильмларини кўриши мумкин. Лекин янгиларини тамоман қабул қилмайди. Тушунмай-ди-да. Ҳозирги мультфильмларда бо-ланинг дилига етиб бора оладиган са-мимий муносабат, болаларча бегубор-лик кам деб ўйланади. Қаҳрамонлар гўё бир-бирини чуе тушириш, нима қи-либ бўлса-да, устун келиш ғояларини тарғиб қиладди.

ДИПЛОРОМ, 29 ёш: – “Ақлвой”даги мультфильмларни тушуниб бўлмайди. Уларнинг баъзи-ларини шунчалик оғир, машаққатли ва ноаниқли, бола нима кўраётганини билмайди. Қаҳрамонлар – ё сеҳраар, ё ҳар хил паранормал қувватга эга, реал ҳаётда учрамайдиган махлуқлар. – Ававаллари кўйроқчоқ анимаци-яларимиз, халқ эртакларига асослан-ган фильмларимиз бор эди. Уларнинг ўзига хос эстетикаси, бадиий ёнда-шуви, тарбиявий мазмунини анча яхши бўлган, – дейди медиа ва ахборот саводхонлиги бўйича халқроқ экс-перт, филология фанлари доктори **Беруний Алимов**. – Аммо бугунги болалар бу мультфильмларни эсла-майди. Чунки сўнги йилларда кўзга кўринадиган даражада янги, жозибали,

болани ўзига тарта олади-ган мультфильмлар деярли яратилмади. Миллий анима-циямиз ўз вақтида етарлича рақобатбардош маҳсулот-лар билан ички эҳтиёжни қон-дира олмади. Мана шу хориж мультфильмларининг ўзбек болалари орасида машҳурлиги ортиб бораётганининг асосий сабаби ҳисобланади.

Болалар аудиториясига мўл-жалланган мультфильмлар-нинг ғоявий мазмунини алоҳида таҳлилга муҳтож. Уларда ин-сонпарварлик, дўстлик, ёр-дам, адолат каби ижобий қад-риятлар тарғиб қилиниши ке-рак. Афсуски, қўллаб хорижий мультфильмлар болаларни бефарқликка, зўравонликка, ўзаро ҳурматсизликка ундайдиган руҳий муҳит яратди.

Ҳақиқатан, илгари мультфильм – эрмак ва бўш вақтни мазмунли ўтказиш воситаси бўлган бўлса, бугунги кунда у боланинг онги, дунёқарашини ва ахлоқий қиёфасини шакллантирувчи энг таъсирчан воситага айланди. Са-вол туғилади: миллий мультфильмларимиз ишлаб чиқарилиши қай дара-жада? Бу саволга **Ўзбекистон анима-ция студиялари ассоциацияси раиси Абдулатиф Ҳайдаров** жавоб беради.

– Ҳақиқатан ҳам, ававаллари анима-цион фильмлар ишлаб чиқариш фақат Кинематография агентлиги доирасида амалга ошириларди, – дейди **А.Ҳайдаров**. – Ҳозир эса турли ташкилотлар ҳам бу соҳага жиддий эътибор қарат-моқда. Чунки анимацион фильм бола-лар учун энг кучли тарғибот воситаси. Болаларнинг онига нима сингдирилса, у узоқ сақланади. **Афсуски, 2022 йилда атғи 3-4 та анимацион филм яра-тилган бўлса, 2023 йилда умуман бирорта ҳам лойиҳа ишга тушма-ган. Аммо 2024 йилда вазият кескин ўзгарди – ил якунига келиб, 17 та анимацион лойиҳага буюртма бе-рилди. Айлиш мумкинки, бундай кўр-саткич шу вақтгача бўлмаган.**

Буюк аждодларимизнинг болалик даврини болалар онига тушунарли ус-лубда етказишни мақсад қилган “Буюк болажонлар болалиги” туркуми доира-сида Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Камолiddин Беҳзод, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Улғубек танлаб олиниб, уларнинг ҳар бири болалар учун замонавий графика, болалар психологиясига мослаштирил-ган сценарийлар асосида ҳикояга ай-ланмоқда. Бундан ташқари, “Широқ афсонаси”, “Спитамен”, “Чумчуқвой-нинг саргузаштлари”, “Қўзичоқ ва Той-чоқ”, “Ақли қизалоқ” каби оригинал об-разлар яратилипти.

– Республика Маънавият ва маъ-рифат маркази томонидан “Ўй” ва “Робот”, “Танлов” сингари фильм-лар ишлаб чиқарилди. Ёшлар ишлари агентлиги эса “Берунийнинг саргу-заштлари”, “Бек ва Лола”, “Ашл м-кон” каби янги лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. 2025 йил учун режалар қаттга. Танлов алақанон ўтказилган, 40 га яқин лойиҳа тақдим этилган ва улардан қаттга қисми кейинги босқичга ўтган. Демак, тизим барқарорлаш-моқда, – дейди ассоциация раҳбари.

ТЎСИҚЛАР ОРТДА ҚОЛЯПТИ, НАТИЖАЛАР ҚУВОНАРЛИ

Ёшлар ишлари агентлиги дирек-тори, сенатор **Алишер Саъдуллаев** ўзининг телеграм каналда “Бек ва Лола” анимацияси халқимиз томонидан илиқ кутиб олинганига алоҳида урғу беради:

“Миллий қадриятларимиз устига қўрилан, болаларимизга таълим, одоб қоидаларини ўргатишга ва ва-танпарварлик ғояларини илгари су-рувчи мультфильмимиз илк таъли-лий анимация сифатида кўпчилик болажонлар, уларнинг ота-оналари меҳрини қозонди. 8 ойлик меҳнат, жуда кўплаб ишдоркор ва креатив ёшлар-нинг ҳаракатлари ҳамда машаққатли меҳнатлари натижасида олдимизга қўйилган мақсадга эришяптимиз. Унинг илк сонлари икки ой ичида 1,5 миллион марта қўрилган бўлса, айни пайтда 20 миллионга етди...”

Биз соҳа вакиллари билан мавзу юзасидан мулоқот қилар эканмиз, ўз навбатида, миллий анимация сано-атини ривожлантиришда яна қайси омилларга устувор аҳамият қаратиш кераклиги бўйича ҳам фикр алмашдик.

Болаларнинг қизиқишини ошириш, уларни миллий қадриятларга ошно этиш осон иш эмас, бунинг учун жуда аниқ ва мақсадли ёндашув, профессионал режиссура, етук психологик таҳлил ва энг муҳими, миллий руҳга йўғрилган ғояли анимацион маҳсулот бўлиши керак. Унутмайлик: миллатимиз фарзандлари чет эл контентини томоша қилаверса, албатта, бегона ғоялар, қарашлар таъсирида улғаяди. Бу эса маънавий хавфсизликка бевосита ва билвосита боғлиқ.



Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ, “Адолат” СДП Марказий аппарати етакчи мутахассиси

– Миллий мультфильм йўналиши ҳозирда ривожланишининг янги босқи-чига чиққан, – дейди аниматор **Шоҳ-санам Күрёзова**. – Янги авлод режис-сёрлари, аниматор ва расмслари орқали мультфильмларимизда ори-гинал ғоялар ва миллий қадриятлар уйғунлашган ҳолда ишланмоқда. Бу – жуда муҳим ютуқ. Бугунги кунда мам-лакатимизда бир қатор давлат ва ҳу-сусий анимацион студиялар фаолият юратяпти. Улар турли ёш тоифаси учун мўлжалланган маҳсулотлар яра-таётганини қувонч билан айтиш мум-кин. Албатта, бу дастлабки қадам-лар. Лекин шунга қарамай, бугунги бо-зор талаби ва рақобатига етарлича жавоб бера оладиган, халқроқ май-донга чиқадиған юқори даражадаги контентлар ҳали етарли эмас.

Биз бола тарбиясига мультфильм-ларнинг таъсирини эндигина англаб етаётган бир пайтда, глобал медиа ин-дустрия болалар онги учун курашини бошлаб юборган. Агар бугун бепарво бўлсак, эртанги авлод ўзлигидан, она тилидан, миллий қадриятлардан узоқлашган, тарбиясиз ва ҳиссиз бўлиб воёга етиши аниқ.

ҚАНДАЙ ЕЧИМ БОР?

– Ававало, ҳар бир оила бола то-моша қилаётган мультфильмлар мазмунига эътибор қаратиши шарт, – дейди медиа ва ахборот савод-хонлиги бўйича халқроқ эксперт **Бе-руний Алимов**. – Эна муҳим саволни ўзига қўйиши зарур: “Бу мультфильм фарзандимга нима ўрнатапти?” Агар унда меҳр-муҳаббат, инсонийлик, жа-сорат ва адолат тарғиб этилса, ал-батта, қўллаб-қувватлансин. Аммо шубҳали ғоялар, зўравонлик ва их-тилофни ёқлаш ҳиссиёти секингина сингдирилаётган бўлса, ундай кон-тентни чеклаш ёки умуман тақиқлаш керак. Иккинчидан, болага мулоҳаза қилиш, қўрилан ва эшитилган нар-салар ҳақида суҳбат қилиш мадания-тини ўрғатиш керак. Қўрилган мульт-фильм ҳақида савол беринг: “Бу қаҳра-мон қандай иш тутди? Сен учун ўрнида бўлсанг, нима қилар эдинг?” Бу усул боланинг мустиқли фикирлай олиш қобилиятини ривожлантиради, яхшини ёмондан ажрата олиш ҳиссини оширади.

– Бир қарашда мультфилмлар бо-ланинг эрта улғайиши, закиё авлод бў-лишига дастак бўладиёкан, – дей-ди журналист **Сугдийна Саидова**. – Аммо визуализация болаларнинг танқидий фикрлаши, тасаввур ола-мининг торайишига сабаб бўлади. Агар замона зайли билан ҳапто кич-ки ёшдаги болаларга-да телефон тутқазиб, қизиқарли мультфильм қўйиб бериб оевтишга тўғри келяпти, деб даъво қилинса, айтиш мумкинки, ўша қизиқарли воқеаларга қоришқ ғоявий-мафкуравий пропаганда ун-сурлари ҳам бўлади. Масалан, мен-лик ҳиссининг ҳақдан ташқари ортиқ-лиги, ҳиссий инқироз ва шу қабили. Бу, ўз навбатида, миллий маданият илдишига болта уриб, ихтилофий куч тарғабдорларнинг сафсини кенгай-тиришга хизмат қиладди. Шунинг учун катталар болаларининг нима кўраёт-ганига ва нимани қандай англаётга-нига диққатли бўлиши шарт.



QR коди
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!

Робохон МАХМУДОВА
Бахром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Тахрир хайъати:

Қодир ЖЎРАЕВ
Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Бош муҳаррир: Исрол ХАМРОЕВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15

Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиков



Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани “Шарк тоғи” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 501

Адади – 1889
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10

Баҳоис келишилган нархда

Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жаавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

“Шарк” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.